

Biz oilamiz bilan har juma kuni kichik xatm qilamiz. Ya'ni Qur'ondan ayrim suralarni o'qiymiz.

16:33 / 27.04.2016 6069

Биз оиламиз билан ҳар жума куни кичик хатм қиламиз. Яъни Қуръондан айрим сураларни ўқиймиз. Бу тўғрими? Ва «кичик хатм» деган тушунча борми?

Бу тушунча бор, "хатми сағир" деб аташади, бу тушунча бор. Қуръонни ҳаммасини бошидан охиргача ўқимасдан маълум бир сураларини ўқиб шуни "хатми сағир", «кичик хатм» дейиш бор. Мисол учун Пағамбаримиз (С.А.В.) нинг ҳадисларида келганки "Иҳлос" сураси Қуръонни учдан бирига тўғри келади. Ана учдан бирига тўғри келса, "Иҳлос" сурасини уч марта ўқиса, учта учдан бир қўшилса бир бутун бўлади, деган маънода ана шу ният билан ўқиб Қуоъони Каримни тўлиқ ўқиган савобига эришиш маъноларини тушунганлар ҳам бор. Бу демак тушунча борлигини яна бир бор таъкидлаб ўтамыз.